

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400– 3. 03

2016 йил “ 9 ” 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

ФАНДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика  
Таълим йўналиши: 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти  
(роман-герман филологияси)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Жалолов Ж.Ж.

- ТДПУ “Инглиз тили ўқитиш методикаси”  
кафедраси профессори, пед.ф.н.;

Ахмедова Л.Т

- ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар”  
кафедраси мудир, пед.ф.д., профессор;

Ташниёзова Ш.Х.

- ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар”  
кафедраси катта ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

Икромхонова Ф.

- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
“Чет тиллар” кафедраси мудир, пед.ф.н. , доцент

Караева К.Н.

- ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар”  
кафедраси доценти, пед.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

“Чет тил ўқитиш методикаси” фани умумкасбий фан ҳисобланади. Фан чет тили ўқитиш методикаси усуллари ва замонавий таълим технологияларини ўргатишни назарда тутади. Мазкур фан доирасида ўзлаштирилган билимлар талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятларига асос бўлади, уларнинг таълим муассасалари (умумий ўрта таълим мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари)да ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишларига замин яратади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади – бакалавр даражасидаги талабаларда назарий билимларга, амалий кўникма ва малакаларга асосланган чет тили ўқитувчисига хос бошланғич профессионал салоҳиятни, чет тили ўқитувчиси педагогик фаолиятининг мазмун-моҳиятини ва педагогик амалиёт ўташда ҳамда таълимни магистратура йўналишида давом эттиришда асқотадиган касбий маҳорат кўникмаларини шакллантириш.

Фаннинг вазифаси – чет тили ўқитиш методикаси назарий масалалари, чет тили ўқитиш мазмуни, мақсадлари, нутқ фаолияти турлари, чет тили дарсларини ташкиллаштириш юзасидан талабаларга билим бериш, шу билан бирга касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида ўқувчиларга чет тилидан дарс ўтиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Чет тил ўқитиш методикаси” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- асосий методик тушунча ва қонуниятларни ҳамда уларни ўқув-тарбиявий жараёнда қўлланиш хусусиятлари;
- Чет тилларини ўқитиш методикаси борасидаги замонавий, маҳаллий ҳамда хорижий йўналишлари;
- ўқув жараёнида замонавий таълим технологияларини қўллаш имкониятларини;
- чет тиллар бўйича яратилган ўқув-услугий мажмуаларнинг (ЎУМ) асосий талаблар;
- таълимнинг турли босқичларида ва турли ўқув муассасаларида чет тилларни ўқитишдаги кетма-кетлик ва узвийлик жараёнининг ўзига хослиги ҳақида **тасаввур ва билимга эга бўлиши лозим.**

Таълим вазиятини услубий, лингвистик ва психологик-педагогик омиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

- таълим босқичидан келиб чиққан ҳолда ўқув материали, ўқув методи ва усуллари, ўқитиш воситалари ҳамда иш турларини танлаш ва ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг нутқидаги хатоларни қайд этиш, таснифлаш ва тўғрилаш;
- ўқувчиларнинг тасаввур, билим, кўникма ҳамда малакасини назорат қилиш;
- қиёсий таҳлил ўтказиш орқали нутқий ва лексик материални ўзлаштиришнинг мураккаблик даражасини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг шахсий-психологик ўзига хослигини ҳамда уларнинг чет тилини билиш даражаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- фаннинг ўзига ва унинг бошқа фанлар билан алоқасига оид лойиҳалар яратиш;

- ахборот технологиялари воситасида ўқитишда ташкилотчилик вазифасини бажариш;
- таълим босқичи даражасини аниқлаш мақсадида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал ўзига хослигини ҳамда уларнинг фаолиятини таҳлилий тарзда амалга ошириш;
- ўқув материали, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини улардан самарали фойдаланиш мақсадида таҳлил қилиш;
- ўқув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида ўзининг касбий билимини ва фаолиятини таҳлил қилиш, ушбу фаолиятнинг методик назарияга, дарс мақсади ва вазифаларига ҳамда аниқ ўқув вазиятига муносиблигини баҳолаш;
- муайян методик муаммо нуктаи назаридан педагогик жараённи кузатиш;
- тадқиқот натижаларини ёзма равишда маъруза, курс иши ва битирув малакавий иши шаклида баён қила олиши;
- фанга оид ўқув материали, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш *малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Чет тил ўқитиш методикаси фани бошқа фанлар билан узвий алоқада бўлади. Жумладан, чет тил амалий курси, умумий ва хусусий тилшунослик, педагогика, психология фанларига таянади. Тил ўқитишнинг замонавий таълим технологиялари фани яқин фанларга асосланади ва уларнинг тамойил, метод, усулларидан фойдаланади.

Фанлараро алоқа чет тил ўқитиш методикаси фанини ривожлантиради, бойитади, кенгайтиради. Фан чет тил амалий курси билан ҳам узвий алоқада бўлиб, тил материаллари (талаффуз, лексика, грамматика) нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув) бўйича керакли маълумотларни олади. Психологиядан таълим технологияси фани тил ўрганувчиларнинг ёш хусусиятлари, психологик механизмлари, хотира, диққат, тафаккур, тасаввур, идрок ва бошқа психологик жараёнларга таъллукли маълумотларни олади ва уларни ўргашш, ўрганиш технология, методларини ишлаб чиқади. Чет тил ўқитиш методикаси фани педагогиканинг таълим-тарбия тамойиллари, метод, усулларидан фойдаланади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Чет тил ўқитиш методикаси фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Фан чет тили ўқитувчилари тайёрлашнинг ажралмас қисмидир. Таълим технологиялари фани ўқитувчилик касбига тайёрлайди. Фан доирасида ўрганилган билимлар талабаларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежларида чет тили ўқитувчиси бўлиб ишлашларида асқотади. Таълим технологиялари фани чет тили ўқитувчисини тайёрлашда асосий замонавий бўғин ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг чет тил ўқитиш методикаси фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион ва педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик,

ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, технологиялар мажмуаси, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилади.

Чет тили ўқитувчисининг профессионал салоҳиятини шакллантириш учун таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва ўзаро фарқлашга, тафаккур фаолиятини жадаллаштиришга ҳамда ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга, ўқувчиларнинг профессионал рефлексиясига йўналтирилган куйидаги замонавий таълим методларидан фойдаланилади:

- мукамал салоҳиятли ёндашув;
- интегратив ёндашув;
- шахсий йўналтирилган ёндашув;
- коммуникатив-фаолиятли ёндашув;
- интерактив ёндашув;
- муаммоли таълим;
- модулли таълим;
- ижодий топшириқларни ечиш технологиялари;
- ўйинлар технологияси.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

Чет тили ўқитиш методикаси фанининг назарий асослари. Чет тили ўқитувчисининг тайёргарлиги, лингвистик, педагогик, психологик, методик, маънавий-маърифий, лингвокултурологик қисмлардан иборат. Чет тил ўқитишни замонавий технологияларининг тилшунослик асослари. Чет тили ўқитишни замонавий технологияларининг ўрни.

### **Чет тили ўқитиш методикаси фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини модернизациялаш доирасида чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш. Чет тиллар бўйича миллий ва халқаро стандартлар. Маҳаллий ва хорижий дастурлар. Чет тили ўқитувчисининг профессионал касбий салоҳияти. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини модернизациялаш доирасида чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг барча босқичлари учун чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларининг қабул қилинганлиги. Тил таълимида чет тилини билиш даражаси тизими. Халқаро сертификациялаш имтиҳонларининг хорижий стандартлари ва талаблари. Турли хилдаги таълим муассасалари учун чет тиллари бўйича дастурларга қўйиладиган талаблар. Чет тили ўқитувчисининг асосий малакавий талаблари. Чет тили ўқитувчисининг касбий маҳоратини шакллантириш шартлари ва йўллари. Чет тили замонавий технологияларининг предмети. Чет тили замонавий технологиялари курсининг вазифаси бўлажак ўқитувчиларни ўқитувчиликка тайёрлашдир. Чет тили замонавий технологиялари чет тили ўқитиш ҳақидаги фандир. Чет тили замонавий технологияларининг ўқитиш методикаси педагогика фанлари тизимига тааллуқли

эканлиги. Чет тили замонавий технологияларини ўқитишда қўлланадиган илмий тадқиқот методлари: республикамиз ва чет эл мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, турли типдаги ўқув юртларида тил ўқитишда ишлатиладиган тил ўқитиш замонавий технологияларини ўрганиш тажрибаларини ўргатиш, кузатиш.

Асосий методик тушунчалар: ёндашиш, метод, тамойил (принцип), усул, восита, ўқитиш тизими. Метод, усул, методик усул ва воситаларнинг таълим мақсад ва босқичларига боғлиқлиги. Машқ чет тили ўргатишнинг асосий компонентиدير. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти турларининг нисбати.

### **Чет тил ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси**

Чет тил ўқитишни замонавий технологияларининг тилшунослик асослари. Тил ва нутқ. Уларнинг фарқи. Чет тили ўқитишни замонавий технологияларининг ўрни. Моделлаштиришнинг аҳамияти. “Модел”, “намуна гап” ва “нутқ намунаси” тушунчалари. Нутқ намунаси – оғзаки нутқни ўргатишнинг асосий бирлиги. Чет тили ўқитишни замонавий технологияларининг психологик асослари. Нутқнинг психологик тавсифи: оғзаки ва ёзма нутқ, ташқи ва ички нутқ, репродуктив ва рецептив нутқ. Чет тили замонавий технологияларининг ўқитишда тафаккур, хотира, идрок, қизиқиш, “билим”, “кўникма” ва “малака” тушунчалари. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш йўллари. Чет тили ўқитиш замонавий технологияларининг психолингвистик асослари. Нутқ, нутқ механизмлари, нутқнинг пайдо бўлиш босқичларига оид гипотетик назариялар, ахборотни қабул қилиш босқичлари тарбия тамойиллари, тарбиявий мақсадни амалга ошириш усуллари. Чет тили ўқитишни замонавий технологияларининг педагогик асослари. “Чет тили замонавий технологиялари” фанининг ўқув юртида ўқитиладиган предметлар орасида эгаллаган ўрни. Чет тили замонавий технологияларини ўқитишда дидактик тамойилларнинг татбиғи.

### **Чет тил ўқитиш методикаси фанининг мақсадлари, мазмуни, тамойил ва методлари**

Чет тили ўқитишнинг замонавий технологияларининг амалий, умум-таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари. Мақсадларнинг бир-бирлари билан ўзаро боғлиқлиги. Ўқувчи ва талабаларга бошқалар фикрини тинглаб тушуниш, ўқиб маълумот олиш ва фикрини оғзаки ва ёзма баён этишни ўргатиш.

*Коммуникатив мақсад:* Чет тили ўқитиш замонавий технологияларининг маълумотни ўзгага бериш ва уни ўзгалардан қабул қилиш. Тилдан таълим бериш, ўқувчи ёки талабалар тафаккурини янада ўстириш, она тилини яхшироқ англаб олиш, чет замонавий технологияларнинг хусусияти ҳақида янги билимларни эгаллаш.

*Умумтаълимий мақсад:* Чет тили ўқитишнинг замонавий технологияларининг тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, маданияти, адабиёти, анханалари ва урф-одатларини ўрганиш асосида ўқувчи ва талабаларнинг умумий ва лингвистик дунёқарашини кенгайтириш.

*Тарбиявий мақсад:* Чет тили ўқитиш ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш. Уларга ахлоқий ва эстетик тарбия бериш метод ва вазифалари.

*Ривожлантирувчи мақсад:* Чет тили ўқитишнинг замонавий технологиялари ўқувчи ва талабаларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишини, уларнинг дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлашини, меҳнат қилиш маданиятини, мустақил билим олишнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари. Ривожлантирувчи мақсаднинг ўқувчи, талаба шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки) хусусиятларини ривожлантириш усуллари.

*Чет тили ўқитиш мазмуни.* “Ўқитиш мазмуни” тушунчаси. Чет тили ўқитишнинг замонавий технологиялари мазмуни ҳақида турли фикрлар. Чет тили ўқитиш мазмунининг таркибий қисми.

*Таълим тамойиллари.* “Таълим тамойили тушунчаси”. Педагогик, психологик, методик тамойиллар. Чет тили ўқитиш методикасида педагогик, психологик тамойилларнинг татбиғи. Методик тамойиллар: умумий, хусусий ва махсус тамойиллар.

*Таълим методи тушунчаси.* Таълим методи танлашнинг қуйидаги омилларга боғлиқлиги: таълим мақсадлари ва мавзуни ўқувчи ва талабаларга чет тили ўқитишнинг замонавий технологияларнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатиш.

### **CEFR – Умумевропа талаблари асосида чет тилларни ўрганиш босқичлари**

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида чет тилларни эгаллашга кўйилган талаблар:

- умумий ўрта таълим: бошланғич синф - A1 , 5-9 синф битирувчилари - A2;
- ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими: чет тилларига ихтисослашмаган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари - B1;
- олий таълим: олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлар бакалавриат, магистратура шунингдек, мутахассислиги чет тили бўлган факультетлар бакалавриат босқичи битирувчилари - 2-чет тили босқичи битирувчилари - B2;
- олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлар бакалавриат ва магистратура босқичи битирувчилари - C1.

### **Чет тил бўйича замонавий ўқув жараёни ташкил этишни технология ва методлари**

Чет тили дарси тавсифи ва технологияси: дарсда тил муҳитини яратиш, дарснинг тарбиявий имкониятлари, дарс мақсадининг хусусияти, чет тили дарсининг мазмундорлиги. Дарснинг мақсад, вазифаларини белгилаш ва тилга оид ва нутқий материал тайёрлаш. Чет тили дарси тузилиши ва уни ташкиллаштириш. Чет тили дарсида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги шакллари. Мавзуий режа. Бир соатли дарсни режалаштириш.

### **Коммуникатив компетенция ва унинг таркибий қисмлари**

Ўзбекистон Республикасининг барха таълим турларида чет тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларнинг мульти-маданиятли дунёда маиший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун коммуникатив компетенцияни (*унинг таркибий*

қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий, ва ўқув-билиш компетенциялари асосида) шакллантиришдан иборат.

### **Интерактив методлар асосида чет тилни ўқитиш**

Интерактив методлар. “Интерактив” термини тушунчаси. Интерактив методлар турлари: илғор технологияларни ўз ичига олган маъруза; лойиҳа методи; бошқотирма, кластер методи, ролли ўйинлар, муаммони ечиш методи ва бошқалар. Янги замонавий методлар, технологиялар воситалари. Интерактив методлар. “Интерактив” термини тушунчаси. Интерактив методлар турлари: Jigsaw 1,2. Бошқотирма, Кластер методи, Ролли ўйинлар, Муаммони ечиш методи ва бошқалар.

### **Чет тил ўқитиш воситалари**

“Чет тил ўқитиш методикаси ўқитиш воситалари” ҳақида тушунча ва уларнинг таълимдаги ўрни, аҳамияти. Ўқитувчи ва талаба учун асосий воситалар: дарслик тил муҳити. Ўқитувчи учун воситалар: ўқитиш дастури ва ўқитувчи китоби. Ёрдамчи воситалар: Техникавий ёрдамчи воситалар – фонограмма, видеограмма, видеофонограмма. Техникавий бўлмаган воситалар – расм, предмет, жадвал, тарқатма материал, харита ва бошқалар. Тил кўргазмаси. Чет тили ўқитишнинг замонавий технологияларда “Ўқув-методик тўплам” тушунчаси. Ўқув юртларидаги жорий ўқув-методик тўплам. Мультимедиа дастури. “Мультимедиа” термини тушунчаси. Восита турлари ва уларни қўллаш, фойдаланиш.

### **Чет тил ўқитиш машқлар тизими**

Чет тил ўқитиш методикаси устида ишлаш машқлар тизими. Тил ёки тайёрлов машқларида тил материаллари, яъни талаффуз, лексик ва грамматик материаллар устида ишлаш кўзда тутилади, яъни олдин тил материалларини ўзлаштиришга уларнинг қийинчиликлари устида ишлашни тақозо этади. Нутқ машқлари эса фақат нутқ фаолият турлари, яъни тинглаб тушуниш, гапириш ўқиш ёзишга ўргатишга, ўстиришга қаратилган бўлим нутқнинг мазмунини ўзлаштиришга йўналтирилган машқларга айтамыз. Баъзи методистлар машқлар номини ўзгачароқ аташади. 1) коммуникатив бўлмаган машқлар. 2) шартли коммуникатив машқлар. 3) ҳақиқий коммуникатив машқлар.

### **Чет тилида коммуникатив компетенцияларни ўргатиш**

Чет тили талаффузини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш. Коммуникатив мулоқотни шакллантириш жараёнида талаффуз кўникмаларининг туган ўрни. Талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда уларни аудитория шароитига кўра шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Овоз чиқариб талаффуз қилиш ва ритмик интонацион малакалар. Талаффузга ўргатишдаги хатолар типологияси. Талаффузга ўргатишга нисбатан акустик, артикуляцион ва дифференциал ёндашув моҳияти. Фонетик машқлар ва уларнинг чет тили дарсидаги роли. Тиллараро нутқий малакаларни шакллантириш жараёнидаги фонетик



машқларнинг мақсад ва мазмунини аниқлаш. Чет тили таълимининг турли хил босқичларида фонологик салоҳиятга қўйилган CEFR талаблари.

### **Чет тили грамматикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Грамматика ва унга хос малакаларни шакллантиришнинг аҳамияти. Тиллараро ва маълум бир тил ичидаги интерференция ходисаси ва грамматик хатолар типологияси. Чет тили ўқитиш дарсларида грамматик ўйинлардан фойдаланиш вазифалари. Бир тилли коммуникатив мулоқот жараёнида қўлланиладиган грамматик малакаларнинг шаклланиш даражасини назорат қилиш усуллари. Грамматикани ўргатишга нисбатан хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда имплицит, эксплицит ва дифференциал ёндашув моҳияти. Чет тили ўқитишнинг турли босқичларида грамматик малакаларни ривожлантиришга қўйилган CEFR талаблари.

### **Чет тили лексикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Лексик малакаларнинг бир тилли коммуникатив компетенцияларни шакллантиришдаги роли. Сўзларнинг шакли, маъноси ва қўлланилишига доир қийинчиликлар. Сўзларга хос коннотатив хусусиятлар ва сўз маъносини фойдаловчи муқобили берилмайдиган лексика. Лексик бирликлар билан танишиш ва уларнинг мураккаблик даражасини инобатга олган ҳолда танлаш усуллари. Лексик қўникма ва малакалар ҳамда уларнинг шаклланишидаги сўзга хос парадигматик ва синтагматик алоқалар. Сўзлар ўртасидаги турли хил алоқаларга асосланган машқлар системаси. Семантик майдон ва унинг динамикасини аниқловчи факторлар. Лексик ўйинлар ва уларнинг чет тилини ўқитиш дарсларида тутган ўрни. Лексик малакаларни шакллантириш даражаларини назорат қилиш. Таълимнинг турли босқичларида лексик мукамалликка нисбатан қўйилган CEFR талаблари.

### **Чет тилида тинглаб тушунишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Тинглаб тушуниш ва унинг чет тилини амалий жиҳатдан ўрганиш жараёнида тутган ўрни. Тинглаб тушуниш таълим мақсади ва воситаси сифатида. Тинглаб тушуниш ҳамда уни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий механизмлари. Тинглаб тушунишга ўргатишдаги типологик қийинчиликлар. Тинглаб тушунишнинг турли хил механизмларини шакллантиришга хос машқлар системаси. Аудио-матнлар билан ишлаш босқичлари. Нутқий малакаларнинг шаклланишини назорат қилиш усуллари. Халқаро имтиҳонлар тизимида тинглаб тушунишга доир тест шаклидаги вазифаларнинг мазмуни ва структураси. Чет тили ўқитишнинг турли босқичларида тинглаб тушунишга қўйилган CEFR талаблари.

## **Гапиришни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Нутқ ва мулоқот шакллари. Нутқни ҳосил қилиш шартлари. Таълимдаги реал, шартли ва муаммоли вазиятлар ҳамда уларни дарсга жорий этиш усуллари. Монолог, диалог ва полилогларнинг умумий тавсифи ҳамда уларнинг хилма-хиллиги. Гапиришга ўргатишнинг “юқоридан қуйига” (матн асосида) ва “қуйидан юқорига” (матнга асосланмаган ҳолда) структурасига асосланган усуллари. Чет тилларни ўқитишнинг хорижий тажрибаларига асосланган ўқишга ўргатишни шакллантириш ва уни назорат қилиш. Чет тили ўқитишнинг турли босқичларида гапиришни ривожлантиришга қўйилган CEFR талаблари.

## **Ўқишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Ўқиш чет тили таълимининг мақсад ва воситаси сифатида. Ўқишга ўргатиш босқичлари. Таълимнинг турли босқичларида овоз чиқариб ўқиш ва ичида ўқишнинг ўзаро мувофиқлиги. Ўқиш турлари ва уларни шакллантиришга хос машқлар системаси. Матн ва у билан ишлаш системаси. Чет тилларни ўқитишнинг хорижий тажрибаларига асосланган гапиришга ўргатишни шакллантириш ва уни назорат қилиш. Чет тили ўқитишнинг турли босқичларида ўқишни ривожлантиришга қўйилган CEFR талаблари.

## **Ёзувни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш**

Ёзув ва ёзма нутқ. Ёзишга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари. Ёзма нутққа ўргатиш технологияси. Чет тилларни ўқитишнинг хорижий тажрибаларига асосланган ёзувга ўргатишни шакллантириш ва уни назорат қилиш. Чет тили ўқитишнинг турли босқичларида графика, орфография, пунктуация ва ёзма нутқ малакаларини ривожлантиришга қўйилган CEFR талаблари.

## **Чет тилини ўргатишда таржиманинг ўрни ва аҳамияти**

Чет тилини ўргатишда таржиманинг ўрни ва аҳамияти. Чет тилида лексикасини она тили билан қиёсий тавсифлаш. Чет тилидан она тилига таржимани ўргатишда ўқувчи талабаларнинг тил тажрибаларни ва интерференцияни ҳисобга олиш. Таржимани ўргатишда лексик материални тушунтириш, киритиш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш. Лексиканинг шакли, маъноси ва қўлланилиши устида ишлаш. Таржима машқларнинг классификацияси.

## **Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини педтехнологиялар асосида ташкил қилиш ва амалга ошириш**

Чет тил ўқитиш мажбурий курси жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш. Мажбурий курсни амалга ошириш босқичлари. Ўрта умумтаълим мактабларида

мажбурий курснинг биринчи ва иккинчи босқичлари. Академик лицейда ва касб-хунар коллежларида мажбурий курсни амалга оширишнинг 3 та босқичи. Ўқув юртларида ўқув жараёнини режалаштириш ва режа турлари: тақвимий мавзуй ва кундалик режалар. Чет тили дарси, унинг хусусиятлари, мақсад ва вазифаси, тузилиши. Дарсга қўйиладиган замонавий талаблар: амалий (коммуникативлик) таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг дарс жараёнида бирга амалга оширилиши. Мавзуй-тақвим, кундалик дарс режаларини тузиш. Дарс типлари ва турлари.

### **Чет тили ўқитиш мажбурий бўлмаган курс жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш**

Мажбурий бўлмаган курсни ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида амалга ошириш турлари. А. Чет тили дан синф, мактаб, аудиториядан ташқари ишлар, уларнинг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш турлари: оммавий, тўғарак, якка ҳолда ташкил қилиш. Б. Факультатив курс. Унинг мақсад ва вазифалари, турлари: 1. Оғзаки нутқ, ўқиш ва ёзув. 2. Ўқишни чуқур ўргатиш турлари

### **Мустақил ишлаш, турлари ва уни амалга ошириш**

Чет тили ўқитиш методикасидан “мустақил иш” тушунчаси, мақсади, вазифаси. Уларни синф, аудитория, уйда, синф, мактаб, аудиториядан ташқари бажарилиши. Мустақил иш турлари: матнлар устида ишлаш, таржима қилиш, луғат билан ишлаш, қўлланма ва дарсликлардан фойдаланиш, тест топшириқларини ечиш, олимпиадага тайёрлаш, конференцияларга маъруза тайёрлаш, методик топшириқларни бажариш кабилар киради. Ўқувчи ва талабаларда илмий методик адабиётлар билан мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш йўллари.

### **Чет тили ўқитиш жараёнини режалаштириш**

Ўқув жараёнини режалаштириш. Режалаштириш тизимининг муддати, мазмуни бўйича турлари. Муддати бўйича режалар: бир ўқув йили ёки тўрт чораклик; ярим ўқув йили учун ёки 2 чораклик; бир чораклик; бир соатлик. Мазмуни бўйича режалар: календар тематик режа; бир соатлик ёки кундалик режа. Дарснинг мақсади. Уй вазифасини текшириш. Якуний қисм.

### **Чет тили фани бўйича билим, кўникма, малакаларни баҳолаш ва назорат қилиш**

Чет тили фани бўйича билим, кўникма, малакаларни баҳолаш ва назорат қилишнинг замонавий технологияси. Рейтинг, тестлар асосида баҳолаш. CEFR -хорижий стандартлари ва талаблари. “Чет тили” фани бўйича билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг ўзига хослиги. CEFR бўйича баҳолаш мезонлари. “Чет тили” фани бўйича билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг асосий объектлари. Чет тили бўйича билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш тури, шакли ва функцияси. Коммуникатив малакаларнинг шаклланиш даражасини назорат қилиш. Нутқий

кўникмаларнинг шаклланиш даражасини назорат қилиш. Баҳолашнинг рейтинг тизими. Тест-билим, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг ўзига хос шакли сифатида. CEFR ва бошқа халқаро стандартлар талабларига кўра баҳолаш.

### **Амалий машғулотларининг тахминий рўйхати**

- Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини модернизациялаш доирасида чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш.
- Чет тили ўқитиш методикаси фанининг назарий асослари.
- Чет тили ўқитиш методикаси фанининг асосий, яқин фанлар билан алоқаси ва уларга боғлиқлиги.
- Чет тили ўқитиш методикаси фанининг мақсадлари, мазмуни, тамойиллари.
- CEFR – умумевропа талаблари асосида чет тилларни ўрганиш босқичлари.
- Чет тил бўйича замонавий ўқув жараёни ташкил этишни технология ва методлари.
- Чет тили ўқитишда педагогик, инновацион технологиялар, методлар.
- Коммуникатив компетенция ва унинг таркибий қисмлари.
- Интерактив методлар асосида чет тили ўқитиш.
- Чет тили талаффузини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тили грамматикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тили лексикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тилида тинглаб тушунишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Гапиришни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Ўқишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Ёзувни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тилни ўргатишда таржиманинг ўрни ва аҳамияти.
- Умумий ўрта таълим мактабларида чет тили ўқитиш жараёнини педтехнологиялар асосида ташкил қилиш ва амалга ошириш.
- Академик лицей ва касб-хунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини педтехнологиялар асосида ташкил қилиш ва амалга ошириш.
- Чет тили ўқитиш мажбурий ва мажбурий бўлмаган курси жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш.
- Мустақил ишлаш, турлари ва уни амалга ошириш.
- Чет тили дарсини замонавий технологиялар асосида ўтказиш.
- Дарсликлар билан ишлаш.
- Чет тили фани бўйича билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий технологияси.
- Рейтинг, тестлар асосида баҳолаш стандартлари ва талаблари.
- Халқаро сертификациялаш имтиҳонларининг хорижий стандартлари ва талаблари.

## **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Курс лойиҳасининг мақсади - талабани чет тили ўқитувчиси касбий фаолиятига назарий ҳамда амалий жиҳатдан тайёрлаш, замонавий методиканинг асосий муаммолари билан таништириш, талабаларнинг олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, улардан ўз фаолиятида унумли фойдаланиш, курс лойиҳаларини инглиз тилида ёзиш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир.

Курс иши мавзулари фан талабидан келиб чиқиб тузилади ва ҳар йили янгиланиб ва тўлдириб борилади. Илмий раҳбар ҳар бир талабага шахсий топшириқ беради, курс ишининг режаси тузилади ва тегишли адабиётлар тавсия қилинади ва доимий равишда назорат қилиб боради. Талабаларнинг ахборот ресурс марказларидан, интернет сайтларидан керакли адабиётларни излаб топиши, керакли мавзуларни ўрганиши ва бу ҳақда амалий машғулотлар пайтида ахборот беришига эътибор қаратилади.

### **Курс ишларининг намунавий мавзулари**

- Чет тили ўқитиш методикаси фанининг назарий асослари.
- Чет тили ўқитиш методикаси фанининг мақсадлари, мазмуни, тамойиллари.
- CEFR – умумевропа талаблари асосида чет тилларни ўрганиш босқичлари.
- Чет тили ўқитишда педагогик, инновацион технологиялар, методлар.
- Коммуникатив компетенция ва унинг таркибий қисмлари.
- Интерактив методлар асосида чет тили ўқитиш.
- Чет тили талаффузини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тили грамматикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тили лексикасини ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тилида тинглаб тушунишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Гапиришни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Ўқишни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Ёзувни ўргатишда педагогик технологияларни, инновацион таълимни қўллаш.
- Чет тилни ўргатишда таржиманинг ўрни ва аҳамияти.
- Умумий ўрта таълим мактабларида чет тили ўқитиш жараёнини педтехнологиялар асосида ташкил қилиш ва амалга ошириш.
- Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чет тили ўқитиш жараёнини педтехнологиялар асосида ташкил қилиш ва амалга ошириш.
- Чет тили ўқитиш мажбурий ва мажбурий бўлмаган курси жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш.
- Мустақил ишлаш, турлари ва уни амалга ошириш.
- Чет тили ўқитиш жараёнини режалаштириш.

- Чет тили фани бўйича билим, кўникма, малакаларни назорат қилишнинг замонавий технологияси.
- Рейтинг, тестлар асосида баҳолаш стандартлари ва талаблари.
- Халқаро сертификациялаш имтиҳонларининг хорижий стандартлари ва талаблари.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари фанидан мустақил ишларни ташкил этишдақуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- илмий мақола, анжуманг амаъруза тайёрлаш;
- замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда дарс ишланмаси тайёрлаш ва ўтказиш.

Мустақил таълимни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Уларда мустақил ишларнинг қай тартибда бажарилиши батафсил акс этирилади ва талабалар ихтиёрига етказилади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Таълимнинг турли босқичларида, хусусан, 1-9 синфгача бўлган ўрта мактаб, филологик ва нофилологик йўналишдаги академик лицей, махсус касб-хунар коллежлари, нофилологик йўналишдаги бакалавр етиштириб чиқарадиган факултетларда чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таълимнинг турли босқичларида чет тилини ўргатиш жараёнида замонавий таълим технологиясининг қўлланилиши
3. Таълимнинг турли босқичларида чет тилини ўргатишнинг дарсдан ташқари шакллари.
4. Таълимнинг турли босқичларида чет тилини ўргатишнинг интерактив методлари.
5. Лойиҳали фаолиятларни ишлаб чиқиш ва уларда иштирок этиш.
6. Технологик хариталарни ишлаб чиқиш.
7. Нутқий фаолият ва тилга хос хусусиятларни дарснинг маълум қисмлари сифатида ишлаб чиқиш.
8. Турли хил назоратшаклларида тест шаклидаги вазифаларни ишлаб чиқиш.
9. Таълимнинг турли босқичларида чет тилини ўқитиш дарсларини режалаштириш.
10. Чет тили дарслари мажмуини мавзули тарзда режалаштириш.
11. Чет тили бўйича яратилган ўқув-услубий мажмуалар таҳлили.
12. Тил материални ва турли хил нутқий фаолият шаклларидаги дидактик материал намуналари.

13. Таълимнинг турли босқичларида чет тилини ўқитиш бўйича методик манбалар рўйхати.

### **Дастурнинг информацион – услубий таъминоти**

Чет тил ўқитиш методикаси фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий, назарий-амалий технологиялари, тамойил, методларидан, педагогик ва ахборот, коммуникатив методлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Семинар машғулотида ақлий хужум, кластер, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Ахмедова Л.Т., Нормуратова В.И. TeachingEnglishPracticum / Практикум по методике преподавания английского языка - Т.: 2011.
2. Jalolov J.J. Chet til o`qitish metodikasi- Т. : 2012 .
3. Хошимов Ў., Ёқубов И. Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси - Т.: 2003.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. - Тошкент, 2000.
2. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент, 2000.
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Тошкент, 2003.
4. Фарберман Б.Л. Педагогическая технология и проблемы ее использования. - Ташкент, 2004.

#### **Интернет сайтлари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.connect.uz>
3. <http://www.uzsci.net>
4. <http://www.edu.uz>
5. <http://www.pedagog.uz>
6. <http://iteslj.org>

